БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 222 (17.504). • 27 сентябрь 1979 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг даъватига мувофиқ ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1979 йил январь—сентябрь ойлари планини муддатидан илгари — 26 сентябрь куни бажардилар.

Кўмир қазиб олиш, трактор сеялкалари, пайпоқ, устки трикотаж, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисоблаганда) ишлаб чиқариш юзасидан январь—сентябрь ойлари плани ошириб бажарилади. (ЎзТАГ).

ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ТЕРИМ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕФОЛИАЦИЯ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Республикамиз бўйича 1,5 миллион гектардан кўпроқ майдонга химикатлар сепилиб, дефолиация ўтказиш плани бажарилди. Бироқ шунга қарамай, агротехниканинг бу муҳим тадбири ҳамма жойда ҳам бир меъёрда ўтказилди, деб бўлмайди. Жиззах ва Сурхондарё областларида машина теримига ажратилган майдонларда икки марта дефолиация ўтказилган бўлса, Самарқанд ва Фарғона областларида бу борада кўзга кўринарли иш қилинганича йўқ, суръат республика бўйича энг паст нуқтада қолмоқда.

Самолётлар ва ер аппаратларидан тўла фойдаланилсин, ғўзаларни дефолиация қилиш қисқа муддатда тугаллансин! Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областлари пахтакорлари ва химизаторлари олдида ана шундай биринчи даражали муҳим вазифа турибди.

ТЕРИМДА ЮҚСАК СУРЪАТ

Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг пахтакорлари кунлик пахта тайёрлашда энг яхши кўрсаткичга эришмоқдалар. Бунга сабаб кўплаб техника воситалари пахта теримига сафарбар этилди. Ҳар куни кунлик теримнинг 35—40 процента ёки 3,5—3,8 минг тонна пахта машиналар бункерларидан тўкилмоқда.

Терим машиналаридан юқори унум билан фойдаланиш, йиғим-теримда поток усулини кенг қўлланиш «оқ олтин» терим мавсумини муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир.

ТЕРИМЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Пахта йиғим-теримида фаол қатнашиш, зародорчасига меҳнат қилиш республикамиз пахтакорларининг шарафли ишига айланди. Қашқадарё области пахтазорларида 150 минг теримчи қатнашмоқда, ҳар бир теримчи кунига хирмонга ўртача 68,9 килограмм пахта териб топширмоқда. Бухоро области далаларида манглай тери тўкиб ишлаётган 167 минг теримчининг бир кунда тераётган пахтаси ўртача 51,9 килограммни ташкил этмоқда.

Бироқ, Самарқанд областида теримда ҳаммаси бўлиб 60 мингга яқин киши қатнашяпти. Бу кўзда тутилганидан анча камдир. Теримда қатнашаётганларнинг иш унуми ҳам кутилганча бўлмаяпти. Ҳар бир теримчи ҳисобига 27,9 килограмм пахта тўғри келяпти, холос. Наманган ва Сирдарё областларида ҳам кўзда тутилган теримчиларнинг атиги ярми теримда қатнашяпти.

Ҳамманинг ўрни далада! «Оқ олтин» терими суръатини зардоб меҳнат билан кўтарайлик!

БАЙРОҚ КЎТАРИЛДИ

Кеча Қаршида Қашқадарё область Баҳористон райони пахтакорлари меҳнати шарафига байроқ кўтарилди. Чўлқуварлар бир кунда йиллик планнинг 4,31 процента миқдорида пахта тайёрлаб, юқори кўрсаткичга эришдилар. Районда машина терими кучайтириляпти. Теримда қатнашаётган 109 «зангори кема»нинг ҳар бири билан кунига ўртача 5 тоннадан пахта териляпти. Муборак районининг пахтакорлари кунига 4,17 процент миқдорида пахта тайёрлаб ибрат намунасини кўрсатмоқдалар.

Усмон Юсупов районининг дала меҳнатчилари пахта теримида яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу ерда ҳар бир механизатор кунига 4,4 тонна, теримчи эса 67 килограммдан «оқ олтин» термоқда.

ТАШАББУС ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Жиззах области механизаторларининг теримда поток технологиясини жорий этишдек илғор тажрибасини Бухоро область Қоракўл районининг дала гвардиячилари қўллаб-қувватламоқдалар. 13 терим-транспорт отрядига уюшган 130 «зангори кема» пахтазорларга киритилди. Механик-ҳайдовчилар ҳар бир машина билан 7-8 тоннадан пахта тердилар. Теримда дала—бункер—тележка—пункт методи кенг қўлланилди. «Бухоро» колхозининг механик-ҳайдовчиларидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Чиннигул Жумакова ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Бобомурод Курбонов сменада 15 тоннадан пахта териб катта ғалабага эришдилар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бухоро областининг 28 чўлқуварлар бригадаси аъзолари пахта тайёрлаш плани бажарилгани ҳақида рапорт берди. Улар 2210 тонна ўрнига 2450 тонна юқори сорт пахта топширдилар. Чўлқуварлар яна 800 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Қизилтепа районидаги Ленин номли колхознинг Ибот Идиев ва Свердлов районидаги Киров номли колхознинг Усмон Муродов бошлиқ бригадалари айниқса яхши натижага эришдилар. Бу бригадалар пландаги 16 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун қурашмоқдалар ва кунига 10-12 процентдан пахта топширмоқдалар.

МАРРА 60 ЦЕНТНЕР

Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг Панжи Шукуров бошлиқ бригадаси йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Шунингдек, Термиз районидаги Куйбишев номли колхознинг Ҳайдар Бозоров, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг Хўжамқул Рустамов бошлиқ бригадалари ҳам гектаридан 37 центнердан пахта топшириб, маррага етиб келдилар. Бу бригадаларнинг коллективлари 50-60 центнерлик маррани кўзлаб, теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

АГИТБРИГАДАЛАР ДАЛАДА

Сурхондарё областида 23 та агитбригада ишлаб турибди. Унинг иштирокчилари дала шийпонларида ва пахтазорларда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Пахта йиғим-терими илғорларининг иш тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Область қишлоқ меҳнатчиларига 49 автомагазин, 28 кўчма маиший устахона, 26 медицина бригадаси хизмат кўрсатмоқда, район маданият уйлари бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари концертлар бермоқда.

ИККИ ИШ КУНИДА

Жиззах область Арнасой районидаги Конев номли совхознинг Назир Абдурахмонов бошлиқ бригадаси йиллик пахта тайёрлаш планини икки иш кунида бажарди. 96 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан ҳосил олинди. Ҳали далаларда пахта кўп. Чўлқуварлар гектаридан яна 20 центнердан пахта хирмони кўтаришга аҳд қилдилар. Шунингдек, Жиззах районидаги Ленин номли совхознинг Одил Келдибеков бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам йиллик план бажарилгани ҳақида рапорт бердилар.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Ховос районидаги «Янгиер» совхозининг Абдураззоқ Ўроқов бошлиқ бригадаси пахтакорлари Сирдарё областида биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 14 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда терилди. Бригада аъзолари пландан ташқари яна 30 тонна пахта топширишга сўз бердилар.

ТЕРИМЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ворошилов районидаги «Гулистон» совхозининг теримчиларидан Роҳатой Орзиқулова ва Зебо Файзиева, Комсомол районидаги «Ленинград» совхозининг теримчиларидан Сорахон Исоқова ва Аширбуви Умаровалар кунига 170-190 килограммдан пахта териб, Сирдарё области теримчилари орасида банрондорлик қилмоқдалар. Чевар теримчиларнинг ҳар бири мавсумда 15 тоннадан пахта теришга сўз берди.

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР

Андижон области далаларида кўпмингкилограммчи теримчилар сафи тобора кенгаймоқда. Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Нодира Қобулова, Норхон Тўраева, Зайнабхон Қўчқорова каби чевар теримчилари ҳар куни хирмонга 200-250 килограммдан пахта териб топширмоқдалар. Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг теримчиси Қимматхон Маҳкамова бир кунда 380 килограмм пахта териб рекорд кўрсаткичга эришди. Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 5,5 тоннадан ошиб кетди.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

ТЕРМИЗ, 26 сентябрь. (ЎзТАГ). Яқин йиллар ичида Сурхондарёнинг қишлоқ меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасида катта вазифаларни ҳал этишлари лозим. Сурхондарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида чорвачиликни ривожлантириш борасида белгиланган планларни муваффақиятли ҳал этиш йўллари тўғрисида гапирилди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Бу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ленин йўли район партия комитети биринчи секретари Р. Эргашев, Гагарин район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Норқобилов, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози партия комитетининг секретари Д. Т. Хўжамқулова, Денов район партия комитетининг биринчи секретари Д. Чориев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Э. Бердиев, Жарқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг сут соғувчиси Б. А. Аҳмедова, қорамолларни парвариш қилувчи ва семиртириб боқувчи Шўрчидаги колхозлараро корхонанинг директори Б. Норматов, Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг чўчқабоқари Р. Лакаев, Сарноси районидаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Гагарин районидаги «Пограничник» совхози механизациялаштирилган пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари Э. Бўриев ва П. Шукуров, «Облколхозстрой» трестининг бошқарувчиси Э. М. Ангиров қатнашдилар.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққанлар халқ фаровонлиги тўғрисида доимо қилаётган ғамхўрлиги учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирдилар. Бу ғамхўрлик КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида акс этган. Партия ва ҳукуматнинг республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарори мана шу ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодасидир.

Кейинги йиллар мобайнида областда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик анча ривожлантирилиши билан бирга чорвачиликни юксалтиришда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Жамоат чорвасининг туёғи кўпайди, унинг маҳсулдорлиги ошди, натижада ўнинчи беш йилликда ўрта ҳисоб билан бир йилда етиштирилган гўштни 23 процент, сутни 29 процент, тухумни 26 процент кўпайтириш мумкин бўлди.

Пленум қатнашчилари чорвачиликни жадал ривожлантириш учун область ихтиёрида бўлган резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалаларига асосий эътибор бердилар.

Топшириладиган чорва вазнини ошириш гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Илғор хўжаликларнинг орттирган тажрибалари бунга мисол бўлиши мумкин. Айни маҳалда яйдоқ боқиш ва қантариб боқиш яхши ташкил этилмаганлигидан талайгина колхоз ва совхозлар ҳар йили ўнлаб тонна гўштдан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Қўйчиликни ривожлантириш, шу жумладан сермаҳсул ҳисори қўйларни кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди. Область чорвадорлари олдида парранда, от, туя, қуён бошини кўпайтириш борасида ҳам муҳим вазифалар турибди.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масаласи ҳам ҳар томонлама муҳокама қилинди. Сурхондарё колхозлари ва совхозлари ем-хашак тайёрлаш борасида зиммаларига олган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Ҳозирроқ 863 минг тонна дағал ем-хашак ғамлаб қўйилди, бу икки йиллик планни ташкил этади, 380 минг тонна сенаж бостирилди, бу мўлжалдагидан анча кўпдир. Келаси йилда пахта билан бедани алмашлаб экишни жорий этиш борасидаги ишларни тамомила ниҳоясига етказиш мўлжалланади. Аммо озуқа базасини кенгайтириш имкониятлари шулар билангина чекланиб қолмайди. Беда-зор ва жўхоризорлар ҳосилдорлигини янада ошириш, такрорий аралаш ва оралиқ экинлар экишни кенг қўламда қўллаш муҳим резерв ҳисобланади. Пленумда чорвачиликнинг моддий-техника базасига, янги комплекслар қуришни жадаллаштиришга кўп эътибор берилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленумда қабул қилинган қарорда чорвачиликни янада жадал ривожлантириш борасида қўриладиган тадбирлар белгилаб берилди. Келаси беш йиллик охиригача етиштириладиган гўштни 62,3 минг тоннага етказиш, 1978 йилдагидан 55 процент кўп, сут етиштиришни бир ярим баравардан ва тухум етиштиришни икки баравардан зиёд орттиришга қарор қилинди.

Пленумда давлатга пахта топшириш борасидаги социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда давлатга 580 минг тонна, шу жумладан 220 минг тонна ингичка толали нав пахта топшириш, пахта тайёрлаш йиллик планини 20 октябргача бажариш кўзда тутилган.

* * *

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон областлари ўртасида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасининг 1979 йил 1 сентябргача бўлган якунларига кўра сазовор бўлган Сурхондарё областига ҳамда Термиз районига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини топширди. Термиз районига 1979 йил мавсум бошидан ингичка толали пахтани териб давлатга топшириш юзасидан социалистик мусобақа якунларига мувофиқ байроқ берилган эди.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

ЖАМОАТ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АНДИЖОН, 26 сентябрь. (ЎзТАГ). Чорвачиликни индустриал асосга ўтказмай, мавжуд фермаларни тўла механизацияламай, озуқа базасини мустаҳкамламай туриб жамоат чорвачилигини ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш мумкин эмас. Андижон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ана шу фикр алоҳида таъкидланди. Пленумда область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорини бажариш соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қароридан келиб чиқувчи вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари областда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун талайгина ишлар қилинаётганлигини айтдилар. Учта катта сут комплекси, 13 хўжаликлараро бўрдоқичилик пунктлари ишлаб турибди, шунча хўжалик мол гўшти етиштирадиган қилиб ихтисослаштирилмоқда. Республикада илк бор тузилган парранда тўшти етиштирувчи Андижон бирлашмаси жуда яхши ишлаб турибди. Областда етиштирилаётган парранда гўштининг 85 процентини шу бирлашма ҳиссасига тўғри келади. «Маданият» совхозида чорвани бостирмада яйдоқ боқиш, сигирларни «Тандем» агрегатида соғиш қўлланган.

Аммо чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш суръатлари ҳали етарли эмаслиги пленумда айтиб ўтилди. Меҳнат коллективларининг ижодий кучғайратларини иш самарадорлиги ва сифатини оширадиган янги резервларни излаб топиш ва уларни ишга солишга йўллаш партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг вазифасидир. Қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш, социалистик мусобақа давомида бунёдга келувчи ҳамма янги, илғор ташаббусларни кенг ёйиш зарур.

Докладда ва нутқларда чорвачиликни ихтисослаш ва концентрациялаш ишларини муттасил такомиллаштириб бориш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги таъкидланди. Янги катта-катта сут-товар комплекслари ва бўрдоқичилик комплексларини вужудга келтириш билан бирга мавжуд комплекслар самараси юксак даражада бўлишини таъминлаш лозим. Пленумда озуқа етиштириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида муфассал гапириб ўтилди. Озуқа экиндари ҳосилдорлигини, айниқса, жўхори ва беда ҳосилдорлигини ошириш, озуқани асраш ва тайёрлашга катта эътибор берилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлаган.

Пленумда чорвачиликни янада ривожлантириш борасида қабул қилинган тадбирларга мувофиқ областда 1985 йилга бориб гўшт етиштириш 43,3 процент, сут 1,4 баравар, тухум 2,2 баравар кўпайтирилади. 10 минг бош қорамол боқиладиган чорвачилик комплекслари, гўшт етиштириш билан шуғулланадиган ҳамда 9 миллион бошга мўлжалланадиган паррандачилик фабрикаларини қуриш ва кенгайтиришга қарор қилинди. Пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш, озуқани анча кўпайтириш учун 15,4 минг гектар янги сугорма ерларни ўзлаштириш ва деҳқончилик ерларига айлантириш мўлжалланади.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1,72	23,85	0,12	0,52
Қашқадарё	1,96	23,31	1,07	6,32
Сурхондарё	2,01	21,05	1,21	5,80
Фарғона	1,50	13,50	0,01	0,02
ҚҚАССР	1,18	7,77	0,10	0,13
Андижон	1,15	7,73	0,09	0,14
Наманган	1,02	6,82	0,04	0,11
Хоразм	0,82	5,08	0,05	0,07
Тошкент	0,64	4,48	0,06	0,06
Сирдарё	0,60	2,73	0,07	0,15
Жиззах	0,28	1,33	0,12	0,30
Самарқанд	0,23	1,17	—	—
Республика бўйича:	1,13	10,48	0,24	1,12
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,37	17,56		
Бухоро	1,41	9,61		
Қашқадарё	0,66	5,80		
Республика бўйича:	1,14	13,07		

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Тошкент области саноат корхоналарининг меҳнаткашлари беш йиллик тўртинчи йили планини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашиб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш тўқиз ойлик планини 26 сентябрда муддатидан илгари адо этдилар.

Сентябрь охиригача пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация этилади.

* * *

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан январь—сентябрь ойлари планини муддатидан илгари бажардилар.

Корхоналарининг коллективлари ой охиригача қўшимча суратда 3,1 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини реализация қиладилар.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ КАНДАЙ БОРЯПТИ

Республика областларида дефолиациянинг бориши ҳақида шу йил 26 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (планга нисбатан процент ҳисобида); учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Жиззах	12,3	193,1
Сирдарё	10,9	187,0
Тошкент	11,6	154,0
Қашқадарё	9,4	127,4
ҚҚАССР	11,5	104,0
Наманган	9,9	101,7
Сурхондарё	8,6	97,0
Бухоро	13,1	82,4
Андижон	8,4	70,2
Хоразм	11,0	51,9
Фарғона	5,8	34,1
Самарқанд	5,4	18,2
Республика бўйича:	9,6	101,5

Учрашув пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Л. И. Брежнев К. Фомвихан билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 сентябрь куни Кремлда Лаос Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ-Демократик Республикасининг Бош министри Кейсон Фомвихан билан учрашди.

Ўртоқ К. Фомвихан Лаосдаги аҳвол ҳақида, ЛХРП Марказий Комитети ва ЛХДР ҳукуматининг мамлакатда социализм асосларини қуриш ҳамда иқтисодий қолоқликни, ўтмишдаги феодал ва мустамлакачилар ҳукмронлиги сарқитларини тугатиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. У Лаос билан интернационал бирдамлиги учун, ҳар томонлама, беғараз, самарали ёрдами учун КПСС Марказий Комитетига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халқига бутун Лаос халқи номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: совет кишилари Лаосдаги воқеаларни эътибор билан кузатиб турибдилар. Халқ-революцион партиясининг ишларидан хабардордирлар. Бу партия бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишни ташқаридан халқаро реакция кучларидан мадад олаётган реакцион унсурларга зарба бериш билан бирга қўшиб олиб бормоқда.

Суҳбат вақтида СССР билан ЛХДР ўртасидаги ҳамкорлик кўп соҳаларда муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнуният изҳор қилинди ва ҳар икки мамлакатнинг қардошларча дўстлигини кучайтириш юзасидан бундан буёнги тадбирлар белгиланди.

Бир қанча халқаро проблемалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Бунда Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятга алоҳида эътибор берилди. Л. И. Брежнев билан К. Фомвихан Ҳинди—Хитой мамлакатлари — Лаос, Вьетнам ва Кампучия ўртасидаги дўстлик ва қардошларча иттифоқ бирон-бир давлатнинг хавфсизлиги манфаатларини бузмай, балки аксинча, Жануби-Шарқий Осиёда ва умуман Осиёда тинчлик омили бўлиб хизмат қилади, деб таъкидладилар.

Ўртоқ К. Фомвихан Лаос КПССнинг, Совет ҳукуматининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, бу жараённи бутун жаҳонга ёйиш ва халқаро хавфсизлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги тадбирларини қоят қадрлайди, деди.

Учрашув дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва Лаос Халқ-революцион партияси Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Иппонг Суринпхуми ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

ОММАНИНГ ОНГИГА ТАЪСИР ЎТКАЗИБ

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори партия ташкилотларининг меҳнат коллективларида юксак онглилик ни тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини жонлантириб юборди. Редакциямга келаётган хат-хабарларда, мақолаларда коммунистлар, ишчи ва қишлоқ меҳнаткашлари ана шу ишлар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда қудратли омилга айланганлиги тўғрисида фикр юритмоқдалар. Қуйида бу материалларнинг айримларини ўқийсиз.

ЛЕКТОР СЎЗИ

Партия Марказий Комитетининг қарори эълон қилинган ўша унутилмас кунларда лектор Р. Жуманазаров билан бўлган суҳбатни ҳануз ҳаяжонланиб, завқланиб эслайман. Жуманазаров «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилиш секциясига раҳбар. Ўшанда у мазкур қарор лекция пропагандасини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши ҳақида гапириб, шундай деган эди:

— Биласизми, менинг назаримда партия инсон камолотини ўйлаб қабул қилган муҳим программ ҳужжатлар ичида бу қарор узининг кўлами, вазифаларнинг гоят кенглиги билан алоҳида ўрин тутади. Энди биз ўз ишимизнинг сифатини ва самарадорлигини ошириш учун янада яхшироқ ишлашимиз, малакамиз, маҳоратимиз — назарий тайёргарлигимизни кун сайин оширишимиз лозим.

Шу куни биз лекция пропагандасининг таъсирчанлигини кучайтириш, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг фаолиятини жонлантириш хусусида узоқ фикрлашиб ўтирдик. Шу асосда иқтисодий ва қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини янада яхшилашда лекторларнинг активлигини оширишга қаратилган комплекс тадбирлар ишлаб чиқдик. Ҳозир колхоз партия комитети тасдиқлаган ана шу режаларни изчил амалга ошираётирмиз.

«Билим» жамияти бошланғич ташкилотимиз 35 малакали лекторни бирлаштириб турибди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли агроном, врач, ўқитувчи, инженер. Партия комитети ўзининг кундалик фаолиятида коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга оммани сафарбар этаётган лекторларнинг самарали ишлашлари учун барча шароитларни яратмоқда. Уларнинг қудратли даъваткор сўзи ферма, пахтачилик бригадаларида ва устахоналарда жаранглямоқда.

Колхозимиз аъзолари ўртасида лекция пропагандасини кучайтиришда областимизнинг малакали лекторконсультантлари Ў. Дадамеев, Ш. Қўсбергеновлар яқиндан кўрсатаётган амалий ёрдамининг роли катта бўлянти. Улар лекцияларимизнинг савиясини, ташкил этиш методикасини таҳлил қилиб, бу ишни янада яхшилашга қаратилган амалий маслаҳатлар беришаётиб, КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида лекция пропагандасининг самарадорлигини ошириш ҳамиша бизнинг бош вазифамиз бўлиб қолаверади.

Ш. ҲУСАНБОЕВ,
«Билим» жамияти Тўртқўл район «Совет Ўзбекистони» колхозидаги бошланғич ташкилоти раиси.

ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ПРОПАГАНДАНИ КУЧАЙТИРИБ

Меҳнаткашларни илмий-атеистик дунёқараш руҳида тарбиялаш Хива район партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Районда малакали идеология ходимларидан иборат атеистлар совети фаол иш олиб бормоқда. Унинг составида жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, врачлар, маданият ва илм-фан ходимлари бор. Районда олиб борилаётган бутун атеистик пропаганда ишини илмий асосда бошқариш, атеист лекторларга методик ёрдам кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган совет аъзолари саноат корхоналарида, маҳаллаларда лекциялар, савол-жавоб кечалари, илмий-атеистик йўналишдаги фильмлар фестивалини ўтказиб турадилар. Улар жойларда атеистик пропаганда ишининг аҳволини чуқур ўрганиб, партия ташкилотларига ишдаги камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам ҳам кўрсатадилар.

Район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида илмий-атеистик пропаганданинг савиясини яхшилаш чораларини кўрмоқда, атеист лекторлар составини мустаҳкамлаш, уларнинг малакаси оширилмоқда. Натижада лекциялар мазмуни ошиб, мундарижаси кенгаймоқда. Гулчеҳра Абримова, Машариф Ғоипов, Шихназар Матрасулов, Рустам Мадаминов сингари лекторлар томонидан ўқилаётган «Ислом динининг реакцион моҳияти», «Сионизм — империализм малайи», «Янгича анъаналар ва маросимлар» сингари мавзулардаги лекциялар меҳнаткашларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

Маълумки, диндорлар билан якка тартибда ишлаш атеистик тарбиянинг муҳим қисмидир. Бундай кишилар билан лекторларимиз мазмундор суҳбатлар ўтказадилар, сабр-тоқат билан иш олиб борадилар. Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Сандназар Абдурасулов одамлар билан якка тартибда тарбиявий иш олиб боришнинг чиннакам устаси сифатида ном қозонган. У диндорлар билан мунтазам учрашиб туради, қизиқарли суҳбатлар ўтказади.

Район партия комитети атеист лекторлар тайёрлаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўтган йили атеист лекторлар мактабини 30 мутахассис битириб чиқди. Область партия комитети ҳузуридаги ана шундай мактабда эса 15 киши таълим олди. Фрунзе номли колхоз партия ташкилотининг меҳнаткашларни илмий-атеистик дуёқараш руҳида тарбиялаш соҳасидаги тажрибаси район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинди. Буларнинг ҳаммаси атеистик мавзуларда ўқилиётган лекцияларнинг самарадорлигини оширмоқда, одамлар онгига ва идрокига катта тарбиявий таъсир ўтказмоқда.

Б. ЖУМАНИЁЗОВ,
Хива районидаги Крупская номли мактаб ўқитувчиси.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Совет комитети раиси, Япония савдо саноат палатасининг раиси С. Наганони комитет аъзоларининг бир группаси билан биргаликда 25 сентябрь куни Кремлда қабул қилди. Улар иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Москвада 8-Совет — Япония кенгаши ўтказилиши муносабати билан Совет Иттифоқига келдилар.

Амалий вазиятда ўтган суҳбат давомида умуман иқтисодий ҳамкорлик юзасидан амалдаги Совет — Япония шартномалари ўзаро келишилган муддатларда бажарилаётганлиги хусусида мамнуният билдирилди. Шунингдек, Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш манфаатларини назарда тутиб шундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд эканлиги уқтириб ўтилди ва Узоқ Шарқда ва бошқа районларда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганликлари учун, диагностика ва даволашнинг замонавий методларини жорий этганликлар учун Урта Осиё темир йўли Тошкент йўл клиника касалхонасининг ходимларидан кўз бўлимининг мудири ўрток Армида Терайровна Арустамовага ва радиологик лаборатория мудири ўрток Лутфулла Тожихоновга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Область китоб савдоси бирлашмасига қарашли «Эврика» магазини ходимлари Урта Осиё — Марказ газ тармоғи бунёдкорларига намунали хизмат кўрсатяпти. Улар авиаторлар ёрдамида трасса бунёдкорларига зарур китоб ва газета-журналларни етказиб беришяпти. Суратда: «Эврика» магазини сотувчиси Г. Жуманиёзова газчилар ҳузурида.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ФАН-ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЕР ҚАЪРИГА ҚЎЛ СОЛИБ

КПСС XXV съезди фан-техника тараққиётини тезлаштириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан совет фани олдига жуда катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Ана шу улуғвор вазифаларни ҳал этишга бошқа кўпгина фанлар қатори геология фани ҳам муайян ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Геология министрлиги қарамоғида учта илмий-тадқиқот институти мавжуд бўлиб, улар республикамиз ер ости бойликларини ўрганиш бўйича кенг кўламда комплекс тадқиқот олиб бормоқдалар. Бу ишга Нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи ажойиб изланишлари билан муносиб улуш қўшмоқда.

Институт бундан 20 йил муқаддам, 1959 йилда Бутуниттифоқ нефть институтининг Ўзбекистон филиали ҳамда республика Фанлар академияси Геология институтининг нефть лабораторияси базасида вужудга келди. Ўша кезлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига президентлик қилган атоқли аллома Ҳасиб Абдуллаев янги институтнинг ташкил топишида бевосита бош-қош бўлди.

«Оқ олтин» ўлкаси сифатида жаҳонга танилган республикамиз нефть ва газ конлари 50-йиллардаёқ узилкесил маълум бўлган, изланиш ва қидириш ишлари ҳамон тез суръатлар билан кучайиб бораётган эди. Бу ҳол нефть ва газ геологияси бўйича Ўзбекистонда ҳам ихтисослашган илмий муассаса ташкил этишда асосий омил бўлди. Нефть-газ қидириш билан кўпгина ташкилотлар шуғулланаётгани учун ҳам геологик-геофизик ишлар ҳамда пармалаш ишлари натижаларини илмий асосда таҳлил қилиш ва умумлаштириш зарурати юзага келган эди. Ана шу вазифа нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведка қилиш институти зиммасига юклатилди. Коллектив ўтган йиллар мобайнида бу ишни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Дастлабки кезлари бу ерда 200 га яқин киши, шу жумладан битта фан доктори ва 12 нафар фан кандидати ишлар эди. Тадқиқотлар асосан умумгеологик характерда бўлиб, назарий масалалар доирасида ниҳоятда чекланган эди. Республика партия ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги ва доимий қўллаб-қувватлаши туфайли кейинги йилларда институт анча кенгайди. Эндиликда қариб 700 кишилик ижодий коллективга эга. Амалий мақсадлардаги тадқиқотлар ҳажми кескин кўпайди. Бевосита ишлаб чиқариш ташкилотлари маблағи ҳисобига бажарилади ган ишлар салмоғи ортди. Ҳозирги кунда бу ерда нефть-газ геологияси илмининг барча йўналиши бўйича комплекс тадқиқот олиб борилмоқда.

Нефть-газ конлари катламлари маҳсулдорлигини ўзига хос усулда босқичма-босқич тахминлаш принципи асосида республикамизда нефть ва газ саноатини янада ривожлантириш истиқболларини аниқлаш институтда олиб борилаётган етакчи тадқиқот мавзуларидан бири ҳисобланади. Ана шу принцип асосида Фарғона водийси, Устюрт ва Бухоро — Қарши территорияси жинслари маҳсулдорлигининг генетик потенциали ҳисоблаб чиқилди. Бу ғоя изланиш-қидириш ишларининг жорий ва перспектив планларини тузишда фойдаланилмоқда. Унда республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси О. Акромхўжаев ва мухбир аъзоси А. Бобоев, фан докторлари О. Ражков, Ш. Давлатов, И. Старобинец, М. Сайдалиева, З. Иброҳимов, В. Кудряков, фан кандидатлари К. Сотириали, Б. Сиддиқов, А. Юрьев, Х. Аваазхўжаев, И. Кушниров, А. Нуъмонов, С. Толипов ва бошқа олимлар фаол иштирок этмоқдалар.

Институт илмий ходимларидан М. Эгамбердиев, Х. Миркамолов, М. Орифжонов ва бошқалар томонидан Ғарбий Ўзбекистондаги карбонат қатламлари тузилишининг хусусиятлари аниқланиши жуда муҳим бўлиб, эндиликда у қидирув ишларининг асосий объекти бўлиб қолди. Чуқур қулуқлар пармалаш техникаси ва технологияси соҳасида институтда муваффақиятли амалга оширилаётган илмий изланишларга аслида янги нефть ва газ конларининг очилиши ҳам ижобий таъсир этаётганлигини таъкидлаш керак.

Умуман олганда, тўққизинчи беш йилликда ва ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида институт коллективи 250 дан ортиқ илмий ишларни ниҳоясига етказди. Бу ишларнинг аксарияти амалиётга жорий этилди, ер қаърига қўл солиб нефть-газ изловчи ташкилотларга 20 дан ортиқ янги нефть ва газ конлари топишга имкон берди. Ўтган саккиз йил мобайнида институтда ишлаб чиқилган тавсияномалардан фойдаланишдан қариб 68 миллион сўм иқтисодий самара олинди. Бошқача қилиб айтганда, ҳарж этилган ҳар бир сўм қариб 5 сўм бўлиб қайтди.

Бу ютуқларга институт олимларининг фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Институтда тажриба-методика экспериментал партия ташкил этилган бўлиб, у ўзига хос сиков майдони бўлиб қолди. Унинг ихтиёрида чуқур қулуқлар ҳам, замонавий пармалаш асбоб-ускуналари ҳам мавжуд бўлиб, олимлар тажрибасини саноат эксплуатацияси шароитларига тобора яқинлаштириш имконини бермоқда. Шу йўсин институтда яратилган ғояни амалиётга жорий этиш анча тезлашмоқда.

Фан самарадорлигини ошириш мақсадидаги тадбирлар орасида малакали кадрлар тайёрлаш асосий ўринни эгаллайди. Институтда ўтган йигирма йил мобайнида 11 нафар фан доктори ва 140 дан зиёд фан кандидати тайёрланганлигини айтиш кифоя.

Маълумки, социалистик мусобақа фан самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективининг ташаббуси билан бошланган «Илмий ғояларнинг биронтаси ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва фойдаланиш планларидан четда қолмасин!» ҳаракати илмий ташкилотларда тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ҳаракат ишлаб чиқариш билан фан самарадорлигини ошириш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, институт коллективининг илғор ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика совети, Тошкент шаҳар партия комитети, шунингдек министрлигимиз коллегияси томонидан маъқулланган. Ҳозирги кунда республикамиздаги бир қанча илмий-тадқиқот ташкилотлари бу ташаббусга қўшилиб, ибратли ишлар қилмоқдалар.

Институт олимларининг меҳнатини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Нефть-газ геологияси илмини ривожлантиришга, республика ер ости бойликларини ўрганишга қўшган катта ҳиссаси учун тўққиз киши орден ва медаллар билан, олти олим республиканинг фахрий унвонлари билан тақдирланди. Олти кишининг кўксида Ленин мукофоти ёки Ғубкин ва Беруний номидаги Давлат мукофотлари, ёҳуд республика Ленин комсомоли ва фанлар академиялари мукофотлари лауреатлиги нишонлари порлаб турибди.

Социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун министрлигимизнинг ана шу йирик илмий муассасаси уч марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Ўтган йилги якунлар бўйича эса СССР Геология министрлиги илмий коллективлари ўртасида фахрли иккинчи ўринни олди.

Институт коллективи олдида келгусида ҳам жуда муҳим вазифалар туриб, Ялаш ва қидириш ишлари методикасини бундан бўён ҳам такомиллаштира бориш, уларнинг янада оқилона йўналишини ишлаб чиқиш, қудуқлар қазиш технологиясини яхшилаш ва илмий-тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини тинмай излайвериш керак.

Ўзбекистон нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи ўзининг 20 йиллик юбилейини катта ижодий кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. Шуҳда йўқки, институт олимлари бундан бўён ҳам партия ва ҳукуматимиз ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этиб, нефть-газ геологияси фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаверадилар.

Ҳ. ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон ССР Геология министри.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

26 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленумда республика комсомол комитетларининг, Ўзбекистон ЛКСМ XXI съездида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни бажариш борасидаги ишлари муҳокама этилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов доклад қилди.

Комсомол комитетлари ёшларга таъсир ўтказишнинг оммавий ва индивидуал формаларидан конкрет равишда кенгроқ фойдаланадиган бўлиб, колганликлари, ёшларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқишини кучайтирганликлари, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирганликлари таъкидлаб ўтилди. 60 минг йигит ва қиз ана шу шонли санагача икки беш йиллик топшириқни адо этиш мажбуриятини қабул қилди.

Республика комсомол комитетларининг ёшларнинг хатлари, шикоятлари ва аризаларини билан ишлашни янада яхшилаш борасидаги вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. А. У. Бозоров КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга кирганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилинди. Илгари Жиззах область комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган Б. Д. Давланов республика ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

ВЛКСМ Марказий Комитети умумий бўлимининг мудири В. Б. Окпиш пленумда нутқ сўзлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг пленуми бўлди. Т. А. Ешимбетова партия ишига ўтганлиги муносабати билан у ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди. Ш. Х. Шукурова комитет раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

САНОАТ-79 — ҚИШЛОҚҚА

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

«Узбексельмаш» — республикамизнинг йирик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналаридан биридир. Унинг цех ва участкаларида тайёрланаётган турли-туман техника воситалари «олтин қўлли» пахтакорларнинг оғирини енгил қилиб, пахтадан мўл-кўл хирмон яратиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона коллективи қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтиришга, уларнинг сифатини яхшилаб такомиллаштиришга интиляпти.

«Узбексельмаш»чилар ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили учун ҳам зиммаларига юксак мажбурият қабул қилган эдилар. Аммо йил бошида обҳавонинг ноқулай келиши, совуқнинг узоққа чўзилиши туфайли завод ишлаб чиқариш графигини бажаришда орқада қола бошлади. Очиқ майдонлардаги агрегатларни бўяш қийинлашиб қолганди. Август ойига келиб завод аҳли қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан 150 тадан кўрак чувиш машинаси қарздор бўлиб қолди. Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари қолоқликни тугатиш учуч кескин чоралар кўра бошлади. Завод ишчилари колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникасини қўллаб етказиб бериш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Бригадаларнинг янги мажбуриятларида асбоб-ускуналар ва ишчи кучларини оқилона жойлаштириш, тайёрловчилар ва йиғувчи слесарларнинг ишини яхшилаш, ишчиларни меҳнат қилишнинг тезкор усулларига ўргатиш, энг муҳими иш вақтидан унумли фойдаланиш сингари моддалар ўрин олди. Механика участкасининг В. Челак бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари Ғарифулла Ильязов етакчилигидаги йиғувчи слесарлар бригадаси коллективини мусобақага чақирди. Ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш, социалистик мусобақанинг руҳлантирувчи кучи изсиз қолмади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас бу иккала коллективда меҳнат унумдорлиги кўтарилиб, план 30 процент ошириб бажарилди. Айни бир пайтда маҳсулотнинг сифат кўрсатичлари ҳам яхшиланди. «Узбексельмаш» маркаси билан колхоз ва совхозларга йўл олаётган кўрак чувиш машиналарига давлат Сифат белгиси қўйилмоқда.

Яқинда Ғарифулла Ильязов бошлиқ ташаббускор ва илғор бригада аъзоларига катта ишонч билдирилди. Улар «Узбексельмаш» заводининг бош конвейерида «УПХ-1,5В» маркали беш мингинчи, юбилей кўрак чувиш машинаси йиғиш шарафига муяссар бўлдилар.

Республикамиз пахта хирмонларида мана икки йилдирки бу хил машиналар ишлаялти. Улар илгариги эски маркадаги агрегатлардан бир ярим баравар унумли бўлиб анча самаралидир. Кўрак чувиш машинасига қўшимча қурилма ўрнатилганлиги туфайли чувилаётган пахтанинг сифати кескин яхшиланди. Очилмаган кўсаклардан пахта толасини ситиб олиш жадаллашди. «УПХ-1,5В» машиналари пахтани дастлабки тозалаш жараёнида ўнлаб тонна хомашёни тежаб, минглаб пахтакорларни оғир қўл меҳнатидан халос қилмоқда.

Дастлабки ғалаба завод меҳнат аҳлини янада руҳлантириб юборди. Кўтаринки меҳнат вазияти корхонанинг барча цех ва участкаларида, смена ва бригадаларда ҳукмронлик қилмоқда. Агар август ойида заводда планга қўшимча 50 та кўрак чувиш машинаси тайёрланган бўлса, сентябрь ойида, Бутуниттифоқ машинасозлар кунигача топширидигидан 60 та кўп шундай агрегат ишлаб чиқариш учун ўзаро меҳнат беллашуви қизитиб юборилган.

«Узбексельмаш» заводи коллективи дала меҳнаткашларига жами 2,5 мингтага яқин кўрак чувиш машинаси жўнатиш ҳақида зарбдор суръатлар билан ишлашда давом этмоқда. Уларнинг ваъдаларининг устидан чиқишларига шубҳа йўқ. Чунки бугунги кўтаринкилик, аниқ иш мароми, планларнинг ошириб бажарилиши шундан далолатдир.

С. ИБРОҲИМОВ,
Э. САЪДУЛЛАЕВ.

ШАҲАР БАЙРОҒИДА ОРДЕН

КИНЕШМА. (Иваново области), 26 сентябрь. (ТАСС). Бугун Кинешма шаҳрига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди. Шаҳар Кинешма меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятлар учун ва асос топган кунига 200 йил тўлиши муносабати билан ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг вакиллари билан биргаликда тантанали мажлиси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов мажлисда нутқ сўзлаб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан, ўртоқ Л. И. Брежнев номидан шаҳар меҳнаткашларига самимий салом ва эзгу истаклар топширди.

Кинешма бой революцион ва меҳнат анъаналарига эга, дейди нотиқ. Шаҳар биографияси икки юз йилдан иборат. Шаҳар тарихининг энг шонли саҳифалари Россия пролетариатининг революцион кураши билан, ленинчи Коммунистик партиясининг буюк ўзгартирувчилик фаолияти билан боғлангандир. Эндиликда юксак даражада ривожланган замонавий ишлаб чиқаришга эга бўлган бу индустриал марказ газлама, трикотаж ва тикилган буюмларгина ишлаб чиқариб қолмай, шу билан бирга машинасозлик, электротехника ва химия саноати маҳсулотларини ҳам чиқармоқда.

И. В. Капитонов хўжалик қурилиши масалаларига, баъзи бир халқаро проблемаларга тўхталиб ўтди.

И. В. Капитонов нутқининг охирида СССР Олий Совети Президиумининг Кинешма шаҳрини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида орденни шаҳар байроғига қадаб қўйди.

Мажлисда сўзга чиққан нотиқлар кинешмаликларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар шаҳар меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч-ғайратини КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга бағишлайдилар, деб ваъда бердилар.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1979 йил, 27 сентябрь. № 231. Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1979 ЙИЛ НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонуни»га биноан **буюраман:**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1980 йил 1 январгача тугайдиган ҳарбий хизматчилар — 1979 йил ноябрь-декабрь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи бандига биноан ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган чақириладиган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. УСТИНОВ.

АФҒОНИСТОНДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Афғонистон Демократик Республикаси Фанлар академиясининг президенти Г. М. Нурзай Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасаларининг иши билан танишиб, қуйидагиларни айтди: «Мен Ўзбекистон олимлари билимининг турли тармоқларида эришган ютуқларига қойилман. Менинг мамлакатимда ҳам илм-фан ҳар тарафлама юксак чўққиларга кўтарилади ва тараққиётнинг ривожланиш йўлида актив кўмаклашади, деб умид қиламан».

Дўст мамлакат намояндаси СССР Фанлар академиясининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. У Ўзбекистон пойтахтида беш кун бўлган вақтида академиянинг бир қанча муассасалари иши билан танишди. Г. М. Нурзай Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиков билан учрашди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ПАССАЖИР АВТОТРАНСПОРТИ НАЗОРАТДА

Узбекистон ССР Олий Совети транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси аъзоларидан бир группа депутатлар Бухоро области автотранспортчиларининг фаолияти билан танишдилар. Текшириш натижалари Олий Совет шу комиссиясининг мажлисида муҳокама этилди. Мажлис Бухоро область ижроия комитетининг автотранспорт корхоналарининг аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш борасидаги иши тўғрисида берган ҳисоботини тинглади.

Депутатлар бир қанча ижобий ишларни қайд этиб ўтдилар. Автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш ва моддий-техника базаси мустаҳкамланган, янги автовокзаллар қурилган, қўшимча шаҳар, шаҳар атрофи маршрутлари ҳамда шаҳарлараро маршрутлар очилган, техника-ий-иқтисодий, эксплуатацион ва молиявий кўрсаткичлар бирмунча яхшиланган. Аммо аҳолига жамоат автотранспортининг хизмат даражаси ҳамон кун талабларига жавоб бероолмаяпти.

Депутатлар Бухорода ва областнинг аҳоли яшайдиган бошқа пунктларида бирдан манзарани кўрдилар — одамлар автобусларни узоқ вақт кутиб қоляптилар, автобус қатнов графигига риоя этилмайди. Автобус паркидан фойдаланиш даражаси пастлигидан, машина ремонти яхши йўлга қўйилмаганлигидан шундай бўлмоқда.

Депутатлар доимий комиссияси Бухоро область маҳаллий Советлари ҳамда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига аниқланган камчиликларни тугатиш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиш ва фойдаланиш министрлигига, бошқа областлар маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига бир қанча тавсиялар берилди. (ЎзТАГ).

«КОСМОС-1129» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1979 йил 25 сентябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1129» учирилди.

Йўлдош ичига Совет Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси, Америка Қўшма Штатлари ва Франция биологик объектлари ҳамда илмий аппаратлари жойлаштирилган.

Йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан

ФИДОЙИ

Ҳамза Ҳакимзоданинг ташкилотчи ҳамда жамоат арбоби сифатидаги фаолияти революциядан илгариёқ бошланган эди. У халқ бахт-саодати йўлида арзирлик хизмат қилишга зўр ғайрат ва жасорат билан киришади. Шу мақсадда маърифатчиликка берилади, қоронғиликда сақланган элнинг кўзини маърифат нури билан очишга, онгини ёритишга интилади. 1910 йили Тошкентда, 1911 йили Қўқонда мактаб очиб ўқитувчилик қилади. У кенг халқ оммасига маориф тарқатишни назарда тутади, шунинг учун мактабига ўқув ёшидаги барча болаларни жалб қилишга интилади. Камбағал болаларнинг ўқий олишлари учун уларга моддий ёрдам уюштиради. Катта ёшдагилар учун мактаби қошида кечки курс ташкил этади. Кутубхона очади, журналлар чиқаради. Лекин у очган мактаблар чор ҳукумати ва маҳаллий бойлар, руҳонийлар қаршилигига учрайди, мактабни ёпадилар, журналларини тақиқлайдилар, ўзини таъқиб қиладилар.

Ҳамза Улуғ Октябрни зўр қувонч билан қутиб олди. «Бизнинг бахтга қўёш чиққан кундир бу кун», дейди ва бутун куч-қувватини революцияга бағишлайди. Унинг ижодий таланти ҳам Октябрь нурларида яшнаб кетади. У оташин революцион шоир ва драматург, композитор ва театр санъати арбоби бўлиб танилади. Шу билан бирга, бу соҳаларда, умуман социалистик маданиятимизни яратишда моҳир ташкилотчи бўлиб хизмат қилади.

1918 йили Фарғона шаҳрида музлкали драма труппаси ташкил этади. Бу труппа ўзбек совет театри нафасини бошлаб берган булоқлардан бўлди.

1919 йили — интервентлар ва босмачиларга қарши курашнинг қизғин вақтларида Ҳамза бу труппа коллективи билан Қизил Армия сафига киради. Труппа Туркистон фронти штаби сиёсий бошқармаси ҳузуридаги «Ўлка мусулмон сиёсий драм-труппаси»га айлантирилади. Ҳамза бадиий раҳбар ва бош режиссёр бўлади. Труппа зиммасига Октябрь инқилоби ғалабаларини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар оммаси ва Қизил Армия ўртасида сиёсий тарбия ишлари олиб бориш вазифаси юкланади.

Ҳамза театр санъатининг тарбиявий ролини юксак қадрларди. 1920 йил 3 январда Сиёсий бошқармага ёзган бир хатида шундай дейди: «Халқни олдимиздаги янги ҳаётга ҳозирлов учун янги аҳамиятли нарса биринчи болалар мактаби эса, иккинчи шу халқ мактаби — саҳна (театр) ва агитациядир».

Ҳамза театр санъати билан, яъни драма асарлари ва қўшиқлари воситасида катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борган, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат ва матонат билан хизмат қилган. Ҳамза ҳаётининг энг қайнаган жойларида бўлади.

1921 йили июль ойига қадар Хоразм Халқ Совет Республикасида хизмат қилди. Санъат ва маданий-маориф ишлари билан шуғулланади.

1922 йил май ойида Амударё область партия комитетининг топшириғи билан туркман халқи учун ҳам хизмат қиладиган умумий труппа — ўзбек-туркман театр труппаси ташкил этади. Шу билан бирга, ўқитувчилик ишини ҳам давом эттиради.

1922 йил сентябрдан 1924 йил июль ойига қадар Хўжайли қозоқ-қорақалпоқ мактаб-интернатида муаллим ва мудир бўлиб ишлайди. Ҳамзанинг бу мактабда олиб борган таълим-тарбия ишларидаги новаторлиги эътиборга сазовордир. Бу, аввало, шунда кўринадики, у ўқиш билан меҳнат тарбиясини бирга олиб боришга киришади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг Хўжайли мактаб-интернатидаги фаолиятини батафсил ўрганган педагогика фанлари доктори Жумабек Ўринбоев (1906-1973) шундай хулосага келган: «Ҳамза ўзининг педагогик қарашлари ва тажрибаларини А. С. Макаренко ёзганидек батафсил ёзиб қолдирган эмас. Бироқ, биз тўплашга муяссар бўлган материал, шунингдек Ҳамзанинг фаолияти ҳақида нашр қилинган бошқа материаллар, Ҳамзанинг буюк педагог эканлигини ва Қорақалпоғистонда совет мактабининг биринчи ташкилотчиси бўлганини исботлайди... У республикамизда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини бошлаб берган биринчи қалдирғоч ўқитувчи, толмас маориф ходими сифатида улкан тарихий ишга пойдевор қўйганлар билан бир сафда туради».

1924 йил июль ойида Ҳамза Фарғона область партия комитети ҳамда область ижроия комитети юборган телеграммага кўра, Қўқон шаҳрига қайтади. Бу ерда область театр труппасининг бадиий раҳбари ва режиссёри бўлиб ишлайди.

Ҳамза бадиий ижод иши билан бирга, қишлоқ аҳолиси ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боради. Халқ кучини уюштириб, анча ибратли ишларни бажаради: 800 таноб ер, 70 хўжалик сув ичадиган канал қазилади, кўприк қурилади, қўшчилар чойхонаси, комсомоллар чойхонаси, ҳайкал бўстончаси бунёд этилади, деҳқонлар артели тузилади. Булар қисқа вақтда, 1925 йилнинг сентябридан 1926 йил 15 апрелгача бажарилади.

Ҳамза аҳоли ўртасида диний хурофотларга қарши кураш олиб борганда маъмуриятчиликка берилмаган, тушунтириш ишларига аҳамият берган. Сўзлаганда ҳаётдан ёркин далиллар келтириб, кучли хулосалар чиқарарди. Бир мисол: 1928 йил октябрь ойида бўлган бир йиғинда Ҳамза шайхлардан: «Мозорингиз чиндан ҳам муқаддасми?» — деб сўраган. Улар «Ҳа, муқаддас!» деб жавоб берганлар. Ҳамза «Агарда шундай бўлса, нега мозорни ёндиргансизлар?» дегач шайхлар ҳеч нима дея олмай, саросимага тушиб қолганлар. Сўнгра, Ҳамза сўзга чиқиб, халққа бўлган воқеани тушунтириб берган: 1921 йил декабрь ойи охирларида Водил-Шоҳимардон районидан Фарғона шаҳрига қайтаётган 7-алоҳида Туркистон отлиқ бригадасининг 48 жангчидан иборат бир отрядига 300 дан ортиқ босмачи ҳужум қилган. Отряд Шоҳимардонга чекиниб, мозор мачитига беркинди, мудофаага ўтган. Жанг икки кеча-кундуз давом этгач, учинчи куни хўжаларнинг фатвоси билан мачитга ўт қўйилган. Бино ёниб, қулаб тушган. Унинг ичидаги қизил аскарлар ҳалок бўлганлар.

Кейинчалик 1925 йилда хўжалар аҳолидан маблағ тўплаб, мачит ва мақбарани тиклаганлар. Ҳамза бу фактларни келтириб, мозор ва у ҳақдаги афсоналар шайхлар томонидан тўқилганини аниқ исботлаб берган. Тўпланган одамлар Ҳамзанинг сўзидан чуқур таъсирланганлар.

Ҳамзада оташин қалб, зўр ғайрат-шижоат бор эди. У замонининг муҳим вазифаларига ҳозиржавоб эди. Бутун ақл-идроки, ижодий қобилияти, ташкилотчилик маҳоратини Совет Ватанининг равнақи, совет халқининг бахт-саодати учун хизмат қилишга бағишлади.

Ю. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Холбек Ёдгорович ЁДГОРОВ

Бевақт ўлим республиканинг энг кекса журналистларидан бири, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Холбек Ёдгорович Ёдгоровни сафимиздан олиб кетди.

Холбек Ёдгоров 1913 йилда Маргилон шаҳрида ҳунарманд ишчи оиласида туғилди. Журналистлик фаолиятини 1932 йилда «Каттақўрғон ҳақиқати» шаҳар газетасида бошлади. Кейин «Маргилон ҳақиқати», «Ёш Ленинчи» газеталари редакцияларида ишлади. 1938 йилдан «Қизил Ўзбекистон» («Совет Ўзбекистони») газетаси редакциясида совет қурилиши, қишлоқ хўжалиги, партия турмуши бўлимларида мудир бўлиб ишлади. 1959 йил ноябридан 1962 йил сентябригача «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош редактори, 1963 йилдан то умрининг охиригача «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Холбек Ёдгоров республиканинг етакчи журналистларидан бири, сифатида ўзбек совет журналистикаси ривожига ва ёш журналист кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди, шу куннинг актуал мавзуларида қўплаб очерк ва публицистик мақолалар ёзди. Холбек Ёдгоров ўзбек совет матбуотининг вужудга келиши ва ривожланишини акс эттирувчи китоблар авторидир.

Х. Ёдгоров партия ва журналистика жамоатчилиги орасида катта обрў-эътибор қозонган, иш юзасидан ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанликнинг намунаси эди. Катта хизматлари учун уч марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилган эди. СССР Журналистлар союзи мукофотининг лауреати эди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, толмас меҳнаткаш, ажойиб дўстимиз ва ўртоғимиз Холбек Ёдгорович Ёдгоровнинг ёркин хотираси уни билганлар ва у билан бирга ишлаганлар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, Р. Ҳ. Абдуллаева, М. И. Искандаров, Ҳ. Ю. Аслиддинова, З. И. Есенбоев, У. Е. Иброҳимов, А. Ислямов, А. И. Исмоилов, М. Қ. Қориев, Ш. Ниёзов, И. Сулаймонов, Н. Ф. Тимофеев.



«Ташсельмаш» заводининг бош конвейерида: бу ерда «ХНП-1,8» маркали пахта териш машиналари тайёрланади. Бундай агрегатлар Совет Иттифоқининг барча пахтакор республикаларига жўнатилади. Суратда: техника назорати бўлими ходими Н. Занкова далаларга йўл олаётган машиналарни кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ТАЖРИБА ЎРГАНГАНИ ДЎСТЛАР ҲУЗУРИГА

Тошкент области билан Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг меҳнаткашлари ўртасидаги алоқалар рўйхатида бир-бирларига делегациялар юбориш, меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа, илмий-техникавий масалаларни биргалашиб ҳал этиш ва биргалашиб театр постановкаларини қўйиш, спорт мусобақалари ўтказиш бор. Бу алоқаларнинг ҳаммаси Совет—Болгария дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшилган салмоқли ҳисса, СССР ва Болгария меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялащдир. Болгария Компартияси округ комитетининг биринчи секретари Румен Сербезов бошчилигида Тошкент областида меҳмон бўлиб турган Хасково округи партия делегацияси билан учрашувлар чоғида мана шу фикр алоҳида таъкидланди.

Болгариялик дўстлар Тошкент авиасозлари ҳузурида бўлдилар, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозига бордилар. Энди делегация партия ташкилотларининг тажрибалари билан танишади, бир қанча корхоналар, қурилишларга боради, меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказади.

25 сентябрь куни Болгария делегациясининг аъзолари Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

ШОИР ЮРГАН ЙЎЛЛАРДАН

Туризм ва экскурсиялар бўйича Фарғона область Советининг туристлар группаси Олой тоғлари бўйлаб саёҳат қилишди. Бу поход ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланди. Маршрут шоир яшаган ва ижод қилган тоғли қишлоқларнинг биридан бошланди. Маршрутнинг узунлиги 50 километрдан зиёддир.

(ЎзТАГ).

Планетамизда

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КИТОБЛАРИ ФИНЛЯНДИЯДА

ХЕЛЬСИНКИ, 25 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида ва бутун дунёда атоқли давлат ва партия арбоби сифатида ном чиқарган. У Совет Иттифоқи партия раҳбарларининг Улуғ Ватан уруши давомида фронтда Ватан учун жанг қилган авлоди жумласига киради, деб ёзади Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарлари тўплами бу ерда фин тилида нашр этилиши муносабати билан Финляндия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, «Каноан уутисет» газетасининг бош редактори Э. Кауппила шу газета саҳифасида эълон қилинган мақоласида.

Л. И. Брежнев неча ўн йиллардан бери биринчи социалистик давлат турмушида жуда актив қатнашиб келмоқда, деб ёзади автор. Тўплам китобхонлари кўз ўнгида совет халқи бошига қийин кунлар тушган пайтда миллион-миллион бошқа кишилар каби машаққатли ҳаёт кечирган кишининг сиймоси гавдаланади.

Л. И. Брежнев «Кичик ер» китобида уруш йилларидаги оғир синовларни тасвирлаб, халқ ўз мамлакатини нақадар мардона ҳимоя қилганлиги тўғрисида зўр самимият билан ҳикоя қилади.

Урушдан кейин, дейилади мақолада, Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг энг муҳим саноат районларида масъул лавозимларда ишлаб, халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришга раҳбарлик қилди. Мамлакат мана шу районларда барпо этилган азим саноат корхоналари билан шу кунгача ҳам фахрланади.

«Қўриқ» китобида қўриқ ерларни ўзлаштириш борасидаги улуғвор вазифани бажаришнинг реалистик манзараси чизилган. Халқ хўжалиги учун энг муҳим бўлган мана шу вазифани амалга оширишга раҳбарлик қилиш учун партия Қозоғистонга юборган Л. И. Брежнев бу ишнинг бош ташкилотчилари ва илҳомчиларидан бири бўлди.

Л. И. Брежневнинг асарлари, деб ёзади пировардида Э. Кауппила, финларга Финляндиянинг энг яқин қўшниси бўлмиш Совет Иттифоқи билан яхшироқ танишиш имконини беради.

НИКАРАГУА ОЗОДЛИГИНИНГ ИККИ ОЙЛИГИ

Никарагуадаги Сомоса диктатураси умрининг сўнгги йиллари бундан 43 йил муқаддам Америка денгиз пиёда қўшинларининг ёрдами билан ўрнатиб қўйилган манфур мустабид режимга қарши халқнинг оғир ва қиҳрамонона кураш йиллари бўлди. Минглаб ватанпарварлар ўз юртининг озодлиги учун жангларда ҳалок бўлди. Ватанпарварларга азоб бердилар, отиб ўлдирдилар, тириклайин ерга кўмиб ташладилар, вертолётлардан ловиллаб турган вулқонларга итқитдилар, қамоқхоналарда чиритиб юбордилар. Аммо америкалик жойиналарининг найзаларига ва сахий молиявий ёрдамига таяниб иш тутган диктатор халқнинг продасини бука олмади, унинг жангговарлик руҳини ва озодлик муддаосини поймол эта олмади. Ҳалок бўлган курашчилар ўрнини минг-минглаб янги ватанпарварлар эгаллаб. Сандиночи Миллий озодлик фронти раҳбарлигида истиқлол устидан ғалаба қозондилар.

1979 йил 19 июль куни Никарагуада орзиқиб кутилган ғалабага эришилди. Революция майдони деб янги ном қўйилган марказий майдон узра диктатурани ағдариш учун курашган Никарагуа халқининг жанговар авангарди— Сандиночи Миллий озодлик фронтининг байроғи кўтарилди. Уша тарихий кундан бери орадан икки ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. Озодликнинг икки ойлиги — қисқа муддат, аммо шу вақт ичида никарагуаликлар кўп иш қилишга улгурдилар. Сомосанинг ҳокимият тепасида туришига ёрдам берган режимнинг снёсий, юридик ва жазо аппарати батамом тугатилди. Никарагуа халқининг қўрашини бостириш учун американ инструкторлардан таълим олган «миллий гвардия» деб аталган жазо отряди тарқатиб юборилди. Сомоса ва ҳеш-ақраболарининг мол-мулки мусодара қилиниди, банклар давлат ихтиёрига олинди. Барча никарагуаликларга демократик ҳуқуқлар берилди. мамлакат ўзининг бутун тарихи давомида бундай ҳуқуқлар нималигини билмаган эди. Аграр ислоҳот мураффақиятли амалга оширилмоқда. Минг-минглаб деҳқонлар биринчи марта ер олиб, унга маккажўхори, лобия, сўпурги ва бошқа экиндилар экишди. Ишчилар билан хизматчилар биринчи марта ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Никарагуа революциясини империализм ва реакция кирдикорларидан ҳимоя қилишда диктаторлик режими ағдариб ташлангандан кейин тузилган Сандиночи халқ армияси бош ролни ўйнайди. Бизнинг жангчиларимиз, деди Сандиночи халқ армиясининг бош қўмондони Умберто Ортега, ҳар қандай пайтда миллий суверенитет ва революцияни ҳимоя қилиш учун юксак жанговар шай ҳолатда турибдилар.

Бутун мамлакатда тузилган ва иш кўраётган Сандиночи ҳимолчилар комитетлари департаментларда, шаҳарларда ва аҳоли пунктларида революцион ўзгартишлар ўтказилиши устидан контроллик қилиб турибди. Мамлакатни қайта тиклашда 19 июль номидаги Сандиночи ёшлар иттифоқига бирлашган Никарагуа ёшлари актив қатнашмоқдалар. Ягона Сандиночи касаба союз марказини тузиш ниҳоясига етказилмоқда, бу марказ меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Никарагуанинг халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Ташқи ишлар министри Мигель д' Эското таъкидлаб ўтганидек, миллий тикланиш ҳукумати халқаро алоқаларни тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига қаттиқ риоя қилиш асосига қуришни мўлжалламоқда. Никарагуа ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Даниэль Ортега «Сандино радиоси»-мухбири билан суҳбатда ҳукумат СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштиришга интилаётганини айтди. «Биз, деди у, Совет—Никарагуа муносабатлари нормал изга тушади, мустаҳкамланади ва революциямизнинг янада пухта таянчи бўлиб қолади, деб умид қиламиз».

Биринчи бор ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолган Никарагуа халқи ишчилар ва деҳқонларнинг, мамлакатдаги барча меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш йўлида бел боғлаган.

В. ШЕХОВЦОВ,
ТАСС мухбири.
Манагуа.

А. А. ГРОМИКОНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ XXXIV СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 сентябрь. (ТАСС). Бугун БМТ Бош Ассамблеяси XXXIV сессиясининг ялпи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқ сўзлади.

У бундай деди: 70-йиллар тарихда муҳим ўринни эгаллайди. Ана шу йилларда жаҳонда кескинликни юмшатиш деб ном олган халқаро вазиятдаги ижобий тенденция кенг кўламдаги жараёнга айланди. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш жараёнини бошлаб берди. Бу жараён бутун халқимизнинг ва биз аминмизки, барча халқларнинг орзу-умидларини ифода этади. Шу билан бирга, деб давом қилди А. А. Громико, кишиларни уруш ва қурол-яроғларни кўпайтириш категорияларидан бирлан ўрнини ўзгартиш йўлини ўтказаётган кучлар ҳали ҳам актив ҳаракат қилмоқдалар.

Куба теварагида авж олдирилган кампания мисол бўлиши мумкин. Ана шу кампания давомида Куба билан Совет Иттифоқининг сиёсати тўғрисида ҳар қандай бўлмагур уйдирмалар қалаштириб ташламоқда, ҳақиқат эса шундан иборатки, ана шу бутун пропаганда ҳеч қандай реал заминга эга эмас ва айни уйдирмаларга асослангандир. Совет Иттифоқи билан Куба бу ҳақда баёнот беришган эди. Бизнинг бу ерда берадиган маслаҳатимиз оддий — ана шу бутун масаланинг тўқиб чиқарилганлигини виждонан тан олиб, унга барҳам бериш керак.

СССР, унинг Варшава Шартномасидаги иттифоқчилари, деди сўнгра нотиқ, баъзи давлатлар ҳарбий тайёргарликни давом эттириб, уларнинг суръатларини кучай тираётганлигини эътиборга олмасдан қололмайдилар.

Ҳозирги кунда, деб таъкидлади совет делегациясининг бошлиғи, ядро уруши хавфини бартараф этишдан кўра муҳимроқ проблема йўқ. Буни ақли расо ҳар бир киши тушунади. Вайронгарчилик келтирувчи даҳшатли кучга эга бўлган қурол-ярогларнинг зарядли қалпоқлари, бомба ва снарядлар узлуксиз тушиб турган конвейерни тўхтатмай туриб, ана шу вазифаки чиқакамига ҳал этиб бўлмайди.

Биз бир неча бор такрорлаб ўтганимиздек, Совет Иттифоқи ана шу туб масалани бошқа мамлакатлар билан биргаликда муҳокама қилишга тайёр бўлиб конкрет музокараларни бошлашни таклиф қилади. Ана шу музокараларда истисносиз барча ядровий давлатларнинг иштирок этишлари уларнинг бевосита бурчи бўлади.

Ядросиз давлатлар хавфсизлик гарантияларишинг таъминлаш ва ҳозирги вақтда ядро қуроли бўлмаган мамлакатларнинг территорияларида ана шу қуролларни жойлаштирмаслик ядро қуроли билан боғлиқ масалалар комплексига киради. Бош Ассамблея ҳозирдаёқ ана шу масалалар хусусида принципиал қарорлар қабул қилди. Эндиликда мазкур қарорларни мажбурилт юклаовчи халқаро битимларда мужассамлаштириш лозим.

А. А. Громико шуни алоҳида таъкидладики, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка Шартномасининг имзоланганлиги — холис ниятлар билан иш кўриб бир-бирларининг ҳаққоний манфаатларини эътиборга олишга тайёр бўлган тақдирда энг мушкул масалалар юзасидан ҳам аҳдлашувларга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Шартнома, деди у, стратегик қуролларни тобора чеклаш ва қисқартириш йўлидаги кўприк бўлади.

Ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, деди нотиқ, Европада хавфсизликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда Европа қитъасида давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилиши учун илгарига қараганда анча мустаҳкам негиз мавжуд. Европадаги социалистик ва капиталистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда қулай силжишлар содир бўлди.

А. А. Громико дунёдаги кескинлик манбаларига тўхталиб Осиёда бундай манбалар бир қанча эканлигини айтди. Бунда атиги ярим йил муқаддам Вьетнам Социалистик Республикасига қарши агрессия қилинди. Агрессорларни амалда бутун дунё лаънатлади.

Лекин содир бўлган воқеадан тегишли хулосаларни чиқариб олиши керак бўлган кишиларнинг ҳаммаси ана шундай хулосани чиқариб олишди, деб бўладими?

Бу масалани Ҳинди—Хитой қоқоқлари теварагида жўттага авж олдириб юборилган пропаганда кампанияси билан бостириб юбориш мумкин эмас. Бу кампаниянинг тиғи Вьетнамга қарши қаратилган. Лекин бу тиғни бутунлай бошқа томонга қаратиш керакки, у қайси томон эканлиги маълум.

Яқин Шарқ — ер юзидаги энг «қизғин» нуқталарнинг бири бўлиб ана шу йўлдан тинчликка жиддий хавф солинмоқда. Яқин Шарқдаги вазият барча тинчликсевар халқлар каби Совет кишиларини ҳам ниҳоятда ташвишлантирмоқда, деди сўнгра А. А. Громико.

Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат битим ҳеч нарсани ҳал этмайди. Бу — халқларнинг ҳушёрлигини сусайтириши лозим бўлган воситадир.

Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ проблемасига нисбатан тутаётган сиёсати принципиал сиёсатдир. Биз чегаралармиздан узоқ бўлмаган районда, Яқин Шарқдаги можаронинг ҳар жиҳатдан ғўла-тўкис ва адолатли бартараф этилиши, бу ерда мустаҳкам тинчлик қарор топтирилиши тарафдоримиз.

Совет Иттифоқи раҳбарлари, деб таъкидлади нотиқ Қўшма Штатлар билан нормал, ҳаттоки дўстона муносабатларда бўлишни истаётганликларини сир тутаётганлари йўқ. Бунинг учун халқаро муносабатларда ўзига кенг йўл очган принциплар — давлатларнинг тинч-тотув яшаши, ўзаларнинг ишига аралашмаслик принципларига амал қилиш талаб этилади, холос. Бу принциплар ҳаммага маълум, Совет—Америка ҳужжатларида ҳам қайд этилган. Биз ҳеч кимнинг ички ишларимизга аралашувига йўл қўймаймиз. Совет—Америка муносабатлари тўғрисидаги ҳамкорлик икки томонга боғлиқ ишдир. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар худди шу асосдагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Л. И. Брежнев Венада АҚШ Президенти Картер билан учрашув чоғида ҳам бизнинг позициямизни ниҳоятда аниқ ва равшан баён қилиб берди. Учрашув шуни кўрсатдики, ўзаро истак мавжуд бўлган тақдирда СССР билан АҚШ ўзаро мақбул қарорларни топиб халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатлари йўлида ҳамкорлик қила оладилар.

Урушдан кейинги воқеалар орасида ижобий воқеалар билан бирга тинчлик негизларини таҳликали хавф остида қолдирган хатарли воқеалар ҳам бўлди.

Шу муносабат билан А. А. Громико кейинги йилларда халқаро сиёсий муомалада тобора тез-теа учраб турган «гегемонизм» ибораси найрангбозлик билан фойдаланилаётганига тўхталиб ўтди. «Гегемонизм» ибораси — дунёга ҳукмронлик қилишга, бошқа мамлакатлар ва халқларга ҳукмронлик қилишга интилиш демакдир.

Совет Иттифоқининг гегемонизм ва ҳукмронлик қилиш хусусидаги позицияси равшан. Совет давлати ўзи дунёга келган дастлабки кунлардан бошлабоқ бирон-бир давлатнинг гегемон бўлишига, бирон-бир давлатнинг эса бошқа давлат ироласига бўйсунишига, бир гуруҳ давлатлар бошқа бир гуруҳ давлатларга нисбатан ҳукмронлик мавқеида бўлишига қарши кескин курашиб келди.

Бизнинг халқимиз Гитлернинг дунёга ҳукмрон бўлиш режаларини пучга чиқариш ва фашизм қиёфасидаги гегемонизмни кўмиб ташлаш учун ўзининг 20 миллион фарзандидан жудо бўлди. Мана шу рақамнинг бир ўзи бизнинг гегемонизмга нақадар нафрат билан қарашимиз тўғрисида ҳукм чиқариш имконини беради.

Мана шуларга асосланиб, Совет Иттифоқи ушбу сессиянинг кун тартибига «Халқаро муносабатларда гегемонизмга йўл қўймаслик тўғрисида»ги муҳим масалани киритишни таклиф қиладди ва сессия муҳокамасига тегишли қарор лойиҳасини ҳавола этади.

Биз аминмизки, халқаро ишларни олиб боришга тенглик асосида, кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатларини кўзлаб ёндашиладиган ҳамма давлатлар бу қарорнинг қабул қилинишига қарши эътироз билдирга олмайдилар. Бош Ассамблея мазкур лойиҳани юксак масъулият туйғуси билан кўриб чиқади, деб умид билдирмоқчиман.

Пировардида, А. А. Громико бундай деди: бизга ҳозир эришишга муваффақ бўладиган жамики ижобий натижалар 80-йилларда 70-йилларнинг муваффақиятларини мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимизга ёрдам беради. Инсоннят келгуси минг йилликка қандай фикр ва туйғулар билан, ўтмиш ҳақидаги қандай хотира ва келажакка қандай ишонч билан қадам қўйиши кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

АМЕРИКАЧА ҲАЗИЛ

Америкада турлича кўнгил очишади. Мана уларнинг бир эрмаги.

Филадельфиядаги автобус бекатида негр Марио Рис ёнига иккита нотаниш киши келиб, ундан наша сўрашди. Рис менда наша йўқ, деб жавоб қайтарди. Бу гапларни полициячилар эшитиб туришганди. Улар учаласини ҳам тинтиб кўришди. Полициячилар ҳеч қандай наша топиша олмагач, икки нотаниш кишини қўйиб юборишди. Эҳтимол улар Марионн ҳам қўйиб юборишарди, лекин тинтув пайтида унинг портфелидан нота топиб олишди... Марио опера қўшиқчиси эди. Шу сабабли полициячилар кўнгил очишга қарор қилишди.

Улар негрга автобус бекатининг ўзида «Аве Мария» қўшиғини айтишни буюришди. Қўшиқчи бўйин товламасин деб, пешонасига тўппонча тирашди-да: «Агар сен баланд ноталарни айтишга қийналсанг, мана бу ўйинчоқ билан биз ёрдамлашворамиз», дейишди. Марионинг полиция кийимидаги бу безориларнинг ҳаётанини бажаришдан бошқа иложи қолмади. Лекин уларга бу ҳам камдек кўринди. Қўшиқчини полиция бўлимига олиб келишди. Бу ерда унга кип-ялангоч бўлиб ечинишни ва яна «Аве Мария»ни айтишни буюришди. Полициячиларнинг қаҳқаҳаси остида Марионн қайта-қайта ашула айтишга мажбур этишди. Бу эрмак то ашулачининг овози бўғилиб қолгунга қадар давом этаверди...

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Техас штатидаги полициячилар бошқа бир «оригинал» эрмак ўйлаб топишди. Улар сузишни билмайдиган мексикалик Хосе Терресни дарёга итариб юборишди, техаслик тартиб посбонлари бечора мексикаликнинг зўр бериб чўкмаслиққа уринаётганини маза қилиб кузатишди ва мириқиб кулишди. Хосенинг мурдасини уч кундан кейин топиб олишди.

Америкалик плантаторлар ҳам «ҳазил» қилишни билишади. Яна ўша «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, Шимолий Каролина штатида плантаторлардан бири пулемётни олиб плантацияга борди ва у ерда ишлаётган одамлар бошн устидан ўқ ёғдира бошлади. Бу «кузнок» ҳазилкаш ўлгудай «ҳаланг оёқлар»нинг жон ҳолатда ўзларини ҳар ёққа ураётганларини кўриб лаза қилиб кулди...

Ҳа, нимасини айтасиз, айрим америкаликлар «ҳазил» қилишни билишади...

В. МИХАЙЛОВ.
(АПН).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ҚУРИҚ НЕЪМАТЛАРИ БАМга

Қашқадарё чўлқуварлари БАМ қурувчилари дастурхонига ҳар йили ўзлари етиштирган мева, полиз экинлари маҳсулотларидан юбориб туришади. Яқинда 700 тонна қовун-тарвуз, олма ва узум ортилган махсус эшелон Қаршидан Байкал-Амур магистралига йўл олди. Бунда қуриқдаги Нишон, Ульянов, Косон ва Қарши районлари деҳқонлари етиштирган 14 вагон қовун, 18 вагон тарвуз, 4 вагон узум ва яна 4 вагон олма бор.

СИЕСИЙ КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Навоий шаҳридаги Фарҳод маданият саройида сиёсий китоблар кўргазмаси очилди. Пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ва иқтисодий таълим мактаблари ва тўгаракларининг тингловчилари бу ерда ўзларини қизиқтирувчи ҳамма масалалар юзасидан адабиёт топа оладилар. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ва ҳукумат бошқа раҳбарларининг асарлари, дарсликлар ва қўлланмалар ўқув программаларига мувофиқ танланган. Кўргазма доимо ишлаб туради. Унда буюртмалар столи ҳам бор.

РАНГ-БАРАНГ НИШОНЛАР

Наманган области шаҳарлари ва посёлкаларининг «Союзпечать» дўконларига «Ойдин кўл», «Кўк сарой» туристик базаларининг тасвири, туристлар клуби «Наманган» тасвири, шунингдек Фарғона водийсидаги қадимий шаҳарлардан бири Чустнинг диққатга сазовор жойлари тасвири туширилган тўрт хил ранг-баранг кўкрак нишонлари сотила бошлади.

Сувенир нишонлари республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Наманган область театрининг рассоми М. Аббосов эскизлари асосида яратилди.

ОЛИМПИАДА-80 ГИЛАМИ

Қирмизи майдонда футболчилар, боксчилар, қиличбозларнинг тасвирлари жойлашган. Шундай расмлари бўлган гиламлар Олимпиада-80 залларини безаб туради. Уларни тайёрловчи Олмалиқ гилам фабрикаси Олимпиада ўйинлари ташкилот комитетининг Олимпиада рамзи туширилган молларни саноат қўламида ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи дипломни олди. Шундай гиламларнинг дастлабки намуналари юксак баҳога сазовор бўлди.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

«КПСС XXV съезди» Бухоро тўқимачилик комбинатининг янги тикувчилик цехи дастлабки маҳсулот — матрац ва фартуклар тайёрлаб чиқарди. Кенг, ёруғ бинода замонавий серунум машина-ускуналар ўрнатилган. Бу ерда илгари чиқитга чиқазилган нокондицион газламадан шу маҳсулотлар тайёрланяпти. Кейинчалик янги цехнинг маҳсулот хиллари кўпаяди.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

«Ташкенткабель» заводининг коллективи деҳқонларга берилган оталиқ ёрдамини кучайтирмоқда. Пайвандлаш агрегатлари, зарур материаллар билан таъминланган иккита кўчма ремонт станцияси Сирдарё областидаги «Правда» совхозига юборилди. Тажрибали созловчи слесарлар кўчма устахоналар билан жўнаб кетишди. Улар телефон ускуналари комплектларини ўрнатдилар — дала шийпонларининг марказий посёлка билан алоқасини йўлга қўйдилар. Завод ишчилари пахта йиғим-теримини қизғин давом этаётган кунларда кузги йиғим-терим конвейерини ташкил этишда, пахтани тайёрлов пунктига етказиб беришда қишлоқ механизаторларига кўмаклашадилар.

●

САМАРҚАНД. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти яқинда ўзининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Институтнинг олти факультетида ҳар йили 5 мингдан зиёд студент таълим олмоқда. Суратларда: 1. Институтнинг собиқ талабаси Ж. Товмасян ветеринария факультети студентлари учун лекция ўқимоқда. 2. Институт биносининг олд томонидан кўриниши.

Р. Ғафуров фотолари. (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ва эълонлар

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи қошидаги 176-ҳунар-техника билим юрти 1979—1980 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТРОКАРАЧИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСЛЕСАРЬ. **Билим юртини тамомлагач, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати—3 йил.** Шу ихтисос бўйича ўқувчилар умумий ётоқхона билан таъминланмайди; ЭЛЕКТРЧИ. **Ўқиш муддати — 3 йил;** ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. **Ўқиш муддати — 3 йил. 15 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади;** САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК. **Ўқиш муддати — 3 йил:** ОТК КОНТРОЛЕРИ. **Ўқиш муддати— 3 йил. Фақат қизлар қабул қилинади.** Шу ихтисос бўйича ўқувчиларга умумий ётоқхона берилмайди; УНИВЕРСАЛЬ-ФРЕЗЕРЧИ, **МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил;** ШЛИФОВКАЧИ. **Ўқиш муддати — 1 йил, 15 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади;** ЭЛЕКТР КЎПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ. **Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил бўлган группаларда ўқувчиларга стипендия тўланади;** ПРЕССЛАШ АСБОВ-УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ. **Ўқиш муддати — 1 йил, 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади;** МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН ТРАКТОРЧИ-СИНОВЧИ. **Ўқишни тамомлагандан кейин автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади.** ТЕМИРЧИ. **Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади;** ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. **Ўқиш муддати — 1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади.** АГРЕГАТ ВА МАХСУС СТАНОКЛАР СОЗЛОВЧИСИ. **Ўқиш муддати — 3 йил;** ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛЬ. **Ўқиш муддати —1 йил ва 3 йил;** ДУРАДГОР. **Ўқиш муддати — 1 йил. 15 ярим ёш ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.**

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР ТЎЛА ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА КАСБГА ЭГА БЎЛГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак, иш кийими билан таъминланади, зарур бўлганларга эса секция типидаги умумий ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб топилган сумманинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадион, спорт зали, ҳовузи бор. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар ишлайди, Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, ота-оналаридан бири ишлаб турган жойдан справка, медицина справкаси (286-форма), 3x4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, 1-Ташавтомаш массиви (1, 13, 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати, 22-трамвайнинг 13-поликлиника бекати).

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

РАҲМАТ, ҲАЛИМАХОН!

Қизим Мукаррам ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаб, ёшликдан орзу қилиб келгани шифокор бўлишга аҳд қилди. Ота-бола Тошкент шаҳрига жўнаб кетиш ташвишида юрибмиз. Бойсун шаҳар поликлиникасида қизимни ўқишга кириши учун медицина кўригидан ўтказиб, справка олдим. У ердан чиқиб яна бизни бир юмушларимизни битирдик. Йўлга билет олишга келганда қизимнинг ўрта мактабни битирганлиги ҳақидаги етуклик аттестати, паспорти ва бошқа ҳужжатлари ҳамда йўлкира, шаҳарда сарф-харажат учун йил бўйи ва меҳнат отпускасидан жамғарган 1147 сўм пул солинган папкани йўқотиб қўйганимизни билиб қолдик. Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб уйга қайтдик. Кайфиятимиз йўқ, бир алпозда ўтирганимизда эшикдан нотаниш аёл кириб келди.

— Мукаррамхон Турғунбоевانинг уйи шуми? — жилмайди у.

— Ҳа...

— Сиз Турғунбой ака-а?

— Ҳа...

— Мана бу папка сизларникими? — Учинчи бор савол назари билан қаради бояги аёл.

Ўзимизда йўқ суюниб кетдик. Қизимнинг паспорти, аттестати, пул ҳам тахи бузилмаганча папканинг ичида эди.

— Қаердансиз, кимсиз, буни қандай топиб олдингиз? — Энди биз унга қизиқсиндик.

— Исми-шарифим — Ҳалима Тўрақулова. Бойсун шаҳар поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлайман. Папкани регистратура олдидаги стол устида қолдириб кетибсизлар...

Ўша куннёқ биз Сурхондарёдан Тошкент шаҳри томон жўнадик. Қизим Тошкент медицина институтига кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтиб олди. Ётоқхона билан таъминланди. Суюнчисига қолган пуллардан қизимни қўғирчоқдай ясантирдим. Кўнглим хотиржам яна Бойсунга — ўз хизматимга қайтиб келдим. Оиламиз қувончига қувонч қўшган Ҳалимахонга минг раҳмат!

Турғунбой ХОЛБОЕВ.
Сурхондарё область қурилиш трестининг энергетиги.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Баъзан шундай бўлади: бир қарашда арзимайдигандай туюлган кичкина бир хато ёки камчилик бутун бир коллектив шаънига доғ туширириши, кўпчиликнинг юзини ерга қаратиши мумкин. Бундай хато ва камчилик коллективнинг тарбиявий фаолиятида, унинг инсон тақдирига бўлган муносабатида рўй берса, айниқса хавфлидир. Коллективнинг кишилар тақдирига бепарво ва бефарқ бўлиши улар ҳаётида баъзи кўнгилсиз ходисалар содир бўлишига олиб келади. Коллектив ва шахс бирбири билан мустаҳкам боғлангандир, уларни сира ҳам бирбиридан айириб бўлмайди. Ана шу сабабли кишининг кишига нисбатан меҳр-оқибатлилиги, ғамхўр ва меҳрибонлиги, жамиятимизда инсоний бурч энг гўзал фазилатлардан бири ҳисобланади. Бошқалар дардига ҳамдард бўлиш ва қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш кишини маънавий жиҳатдан тарбиялайди, камолотга етказади. Коллективнинг тарбиявий ва таъсир кучи унинг инсон шахсига бўлган муносабатида белгиланади, деб жуда тўғри айтилган.

...Одатдаги иш куни эди. Эшикдан бир йигит ийманибгина кириб келди. У одоб билан саломлашди-да, деди:

— Мен Кандатьянман. Марҳума Каприеловانинг набираси бўламан. Бувим ҳаётлигида 13-ЖЭКка қарашли 6-уй, 1-квартирада яшардик. Энди мени у ердан чиқариб юборишяпти.

— Хўш, нега чиқариб юборишади?

Бу саволга Кандатьян «Ҳаммасини аризамда ёзиб келганман» деди-да, ерга қаради. Кўп ўтмай унинг аризаси батафсил текшириб чиқилди. Ҳақиқатан, Е. Кандатьян бувиси Каприелова билан бирга Куйбишев районидаги 13-ЖЭКка қарашли уйда яшаган экан. ЖЭК бошлиги К. Маҳмудов эса кампир вафот этганидан сўнг «уй эгасиз қолди», деган баҳона билан Кандатьянинг рўзғор анжомларини уйидан чиқариб ташлаттирибди. Текшириш жараёнида К. Маҳмудовнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўзбошимчалик билан иш тутганлиги, «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлиб қолганлиги аниқланди. ЖЭКка қарашли уйларда истиқомат қилаётган кишиларни писанд қилмай, уларга дўқ-ҚЎПИСА билан муомала қилиш, молиявий интизомни яхшилаш баҳонасида кишиларнинг иззат-нафсига тегиш К. Маҳмудов учун одат тусига кириб қолибди. Яна шу нарса маълум бўлдики, ЖЭК коллективи ўртасида ўзибўларчилик, бошқалар тақдирига бефарқ қараш ҳоллари, ташкилий-тарбиявий ишлар издан чиққан. Кўрдингизми, бошлиқнинг ўзбошимчалиги унинг атрофидаги кишилар онгига қандай салбий таъсир ўтказиб, коллективда, жамоатчилик ўртасида қандай ёмон оқибатларга олиб келган.

Гарчи 13-ЖЭК маъмурияти фаолиятида рўй берган бу кўнгилсиз воқеанинг олдини олинган бўлса ҳам коммунал уй-жойларда яшаётган кишилардан уй-жой бошқармалари ходимлари устидан тушаётган ариза ва шикоятлар ҳали бу соҳада кўпгина иш олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Баъзи ЖЭК ходимлари хўжалик ишини биринчи даражали вазифа, деб билиб ҳовлиларда ободончилик, маданий-оқартув ишларини олиб боришни унутиб қўймоқдалар. Уларда, шунингдек, ёшлар тарбияси билан мунтазам шуғулланиш, маъмурий органлар билан ҳамкорликда ичкиликбозлик ва безорилик қилаётган кишиларга нисбатан зарур чора кўриш, бу борада маҳалла ва ҳовли активлари ташаббускорлигидан, уларнинг тарбиявий ва таъсир кучидан фойдаланиш эътибордан четда колмоқда.

Уй-жой бошқармаларига ташкилий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини кенг қўламда олиб бориш юзасидан катта ҳуқуқлар бериб қўйилибди. Агар ҳар доим жамоатчиликка таянган ҳолда иш олиб борилса бу муҳим вазифани намунали бажариш мумкин. Афсуски, бир қатор уй-жой бошқармалари ана шу имкониятдан тўла фойдаланаётганлари йўқ. Баъзи уй бошқармаларида эса жамоатчиликнинг назорат ва тарбиявий кучига менсимай қаралмоқда. Бошқарма бошлиқлари маҳалла ва ҳовли активлари билан алоқани мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда улардан яхшироқ фойдаланиш ўрнига буйруқбозлик, расмиятчиликка зўр бермоқдалар. Улар фаолиятида баъзан жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Чилонзор Тошкент шаҳрининг йирик ва обод районларидан бири. Район меҳнат аҳли шаҳарни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳовли ва уй-жойларда жамоатчилик кучи билан шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилиб, ободончилик ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Уй-жой комитетлари, маҳалла активлари аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришга жалб қилинган. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи уй-жой бошқармалари фаолиятида ўзибўларчилик, бепарволик ҳоллари ҳам рўй беряпти, бу эса ўз навбатида амалга оширилаётган барча яхши ишларга путур етказмоқда. Биринчи уй-жой бошқармасида ана шундай воқеа содир бўлди. Бошқарма коллективи ўзаро талабчанлик ва назорат муваффақият калити эканлигини унутди. Натижада меҳнат интизоми бузилди, ўзибўларчилик авж олди. Бундай вазиятдан баъзи ҳаромтамоқ, эгри қўл ишларнинг фойдаланиб қолиши мумкин. Бошқарма бошлиги В. Башкиров ана шундай шахс бўлиб чиқди. У коллективнинг бепарволигидан фойдаланиб шахсий бойлик орттириш учун ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қила бошлади. Иш шунга бориб етдики, В. Башкиров бошқарма ходимларини уй-жой билан таъминлагани учун улардан катта-катта пора талаб қиладиган бўлиб колди. Масалан у Т. Лисункина деган аёлни боғбон-қоровуллик ишига расмийлаштирди-да, ундан секретарь-машинистка сифатида фойдалана бошлади. Т. Лисункинага квартира керак эди. Бундан бохабар бўлган В. Башкиров уни ҳузурига чақириб, бўш квартира бор лигини, шуни Лисункинага бермоқчи эканлигини, аммо бунинг учун камида 600 сўм кераклигини айтди. Унинг шу хилда очиқдан-очиқ пора сўраши бошқарма бошлиғининг бундай нопок ишлар билан кўпдан буён шуғулланиб келаётганлигини кўрсатиб турарди. Тўғри, Башкиров эгри қўллиги учун жиноий жавобгарликка тортилди, аммо унинг бу қилмиши бутун коллективга доғ бўлиб тушди. Ўз-ўзидан аёнки, бу коллективда тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро талабчанлик ва назоратни кучайтириш учун яна кўлгина ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Топширилган ишга масъулият билан ёндашмаслик, «бўлса-бўлар, бўлмаса говлаб кетар» қабилида иш тутиш, ўз хизмат вазифасидан шахсий манфаатдорлик йўлларда фойдаланиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Масалан, Тошкент области уруғчилик ҳ бошқармасининг бош бухгалтери Т. Сариева янги уй бериладиган бўлиб колди. У Чилонзор районидаги аввалги турган уйини Б. Дадажонов деган шахсга топширди. Б. Дадажонов эса Чиноз районида ўзининг шахсий уй-жойи борлигига қарамай ҳийла-найранг ва сохта ҳужжатлар билан кўпчиликни алдаб, уйни ўзиники қилиб олгач, бу ерга онласини эмас, балки аллақандай А. исмли бегона аёлни кўчириб келтирди. Шу тариқа Б. Дадажонов коллективнинг ишончини ва ғамхўрлигини суиистеъмол қилиб, ундан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланди. Коллективнинг бундай шахсларга нисбатан тоқат қилиб туролмаслиги эса ўз-ўзидан маълумдир.

Шуниси характерлики, баъзан рўй берадиган ана шундай ҳунук воқеалар, юлғичлик, порахўрлик хатти ҳаракатлари кенг жамоатчилик, ишлаб чиқариш ташкилотлари коллективлари томонидан фош этилмоқда. «Главсредазирсовхозстрой» бош бошқармасига қарашли қурилиш ташкилотларидан бирида ишлаётган Р. Закиевга уч хонали квартира берилиши лозим эди. Аммо, Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети унинг шу ҳақда берган аризасига эътиборсизлик билан қарагани сабабли қурилиш ташкилоти касаба союз маҳаллий комитетининг илтимоси билан бу квартирани Р. Закиевга эмас, М. Халилов деган кишига навбатсиз бериб юборди. Р. Закиев ва унинг ҳамкасблари бу ҳақда шикоят қилганларидан сўнг маъмурий ташкилотлар текширир ўтказиб, Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети баъзи ходимларининг квартира тақсимлашда қонунқоидага ҳилоф иш тутаётганликлари, таниш-билишчиликка, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўяётганликлари маълум бўлди. Текшириш жараёнида бундай воқеалар шаҳардаги бошқа районларда ҳам, жумладан, Куйбишев район Совети ижроия комитетининг уй-жой таъминоти билан шуғулланувчи бўлими фаолиятида ҳам рўй бераётганлиги аниқланди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда «Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши янада масъулятли вазифалар юклайди. Ана шу қарор асосида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига бутун диққат эътиборни қаратиш тарбиявий иш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Коллектив ва шахсни бирбиридан асло ажратиб бўлмайди. Коллектив тақдири учун шахснинг масъулияти катта бўлгани каби, ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолияти учун бутун коллектив жавобгардир. Шундай экан, ишлаб чиқаришда, маҳалла ва уй-жойларда инсон тақдирига, унинг тарбиясига ҳеч қачон бепарво бўлмайлик. Янги кишини тарбиялаш бутун ишимизнинг муҳим таркибий қисми эканлигини асло унутмайлик. Ана шундагина баъзан учраб турадиган ноқонуний ишлар, порахўрлик, ўғрилик, юлғичлик, қўзбўямачилик каби иллатлар барҳам топади.

Ғ. БУХОРОВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IX да **Майсаранинг иши**, 29/IX да **Уйнудаги гўзал.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IX да **Келинлар қўзғолони.**

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

28 сентябрь соат 19.00 да СССР БИРИНЧИЛИГИ ЎЧУН олий лиганинг «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

●

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

12-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

●

СССР Энергетика министрлигининг «ГЛАВНИИПРОЕКТ»ига қарашли ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қуйидаги ҳамма мутахассисликлар бўйича катта (3 ўрин) **ва ёнчик** (5 ўрин) **илмий ходимлар:** иссиқлик энергетикаси ва совуқлик — энергетика баланси, саноат энергетикаси, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, автоматлаштирилган электр юритмалар, юқори кучланиш техникаси, иқлим шароити ва изоляторлар кирланишининг юқори кучланишли линияларини лойиҳалашда ишлатилиши, технология жараёнини бошқариш ва созлаш, ахборот-бошқариш системалари, энергетика блокларини автоматлаштириш, ишитиш тармоқларини автоматлаштириш, энергетикадаги алоқа каналларида ҳалақит таъсирларини аталтив компенсациялаш, электр тармоқлари корхоналарининг автоматлаштирилган бошқариш системалари.

КОНКУРС МУДДАТИ — 23 СЕНТЯБРГАЧА.

Конкурсда техника фанлари докторлари ва номзодлари ҳамда юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-134, Академиклар шаҳарчаси, ЎзНИИЭиЛ, Телефонлар: 66-29-53, 66-29-67.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАЛАРИ.**

●

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

6 ОКТЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти механика факультетининг автомобиль транспорти эксплуатацияси ихтисоси бўйича ИНСТИТУТНИ 1959 ЙИЛДА БИТИРГАНЛАР БИЛАН

УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, акт зали. Телефон: 33-39-84.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қўлёзмалар институти коллективи институт директорининг ўринбосари, филология фанлари кандидати Е. Т. Жўраева отаси

Жўрабой ТУРАҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда юридик факультети коллективи гражданлик ва хўжалик кафедрасининг мудири, профессор И. Б. Зокировга онаси

Марзия Зокировна ЗОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти («Ватан» жамияти) ва «Ойдин» газета редакцияси коллективлари шу газетанинг собиқ бош редактори, СССР журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Мели ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг деканати, касаба союз ташкилоти, Ботаника боғи дирекцияси шу боғчрогноми

Рўзмат ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Докер. Бадиий фильм. 11.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.15 — В. Будилин куйлайди. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 13.00 ва 14.45 — Янгиликлар. 15.00 — Илмий-оммабоп фильм. 15.10 — Тарихни материалистик асосда тушуниш. 15.40 — Шахмат мактаби. 16.10 — Горичлар, қаердасиз? 16.40 — Универсиада-79. 17.15 — Китоблар дўстлик даракчилари. 17.45 — Қувноқ ноталар. 18.00 — Хўжаликни бошқариш механизмини такомиллаштира бориб. 18.15 — Кўл бўйида. Бадиий фильм, 1-серия. 19.55 — Дунё воқеалари. 20.10 — Кўл бўйида. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Нурафшон давра. 12.00 Тим Талер, Спектакль, 1-қисм. 13.00 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигига. 18.20 — Солбон. Мультфильм. 18.25 — Ёшлик. 18.55 — Фойдали учрашувлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Бахор» халқ рақс ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Орол шоликорлари ҳузурида. 22.20 — Бой ила хизматчи. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Филателистнинг ўлими. Бадиий фильм. 19.55 — Янгиликлар. 20.45 — Фильм-концерт. 20.55 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.20 — Телефильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Ўзбекистон композиторларининг асарлари. 12.10 — Гулла, яшна қўриқ ўлка. 13.00 — Ёрдамчи хўжаликларда. 13.30 — Концерт. 14.00 — 5 миллион 700 минг тонналик Ўзбекистон пахтаси учун. 18.30 — Пахтакорлар хизматида. 18.40 — Ёшлик. 19.45 — Куйлар. 20.25 — Меҳнат ва бахт қўшиқлари. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Октябрда тобланган ҳаёт. 22.30 — Бобир лирикаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55 32-55-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69 32-53-97, 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70 халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 02186. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е.—222.